

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОСИМОВА ОЗОДА ХУДОЙНАЗАРОВНА**

**ТАЛАБА-ҚИЗЛАРНИНГ МИЛЛИЙ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ  
ФАЗИЛАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по педагогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy(PhD)  
on pedagogical sciences**

**Қосимова Озода Худойназаровна**

Талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий ғазилатларини  
ривожлантириш технологияси ..... 3

**Қасимова Озода Худайназаровна**

Технология развития национальных духовно-нравственных качеств  
обучающихся девушек..... 23

**Kosimova Ozoda Hudoynazarovna**

Technology of developing national spiritual and moral features of female  
students ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОСИМОВА ОЗОДА ХУДОЙНАЗАРОВНА**

**ТАЛАБА-ҚИЗЛАРНИНГ МИЛЛИЙ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ  
ФАЗИЛАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.PhD/Ped337 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ҳамда "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Эгамбердиева Нодира Мелибаевна  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Хасанова Кибриё Хасановна  
педагогика фанлари номзоди, профессор  
Ходжаев Бегзод Худойбердиевич  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «23» декабр таби даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (99866) 239-11-40; факс: (99866) 239-11-40; e-mail: [samdu\\_ped\\_kengash@umail.uz](mailto:samdu_ped_kengash@umail.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (16-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (99866) 239-11-40; факс: (99866) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2020 йил «18» декабр тарқатилди.  
(2020 йил \_\_\_\_\_ даги 17 - рақамли реестр баённомаси).



[Signature]  
**Х.И.Ибраимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

[Signature]  
**Ш.Р.Ураков**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д. (PhD)

[Signature]  
**Н.Ш.Шодиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон ҳамжамияти томонидан технологик тараққиёт, илмий кашфиётлар ва феминизм даврида хотин-қизларнинг жамиятда тутган мақоми, ижтимоий ўрни сўнгги ўн йилликларда тубдан ўзгариб, жамиятдаги ҳар қандай ислохот улар иштирокида амалга ошаётганлиги, ижтимоий-маданий соҳаларнинг муваффақияти шу омилларга асосланиши эътироф этилмоқда. Бундай ўзгаришларга мос равишда дунёдаги илғор олий таълим муассасалари хотин-қизларни талабалик давридан бошлаб нафақат касбий, балки ахлоқий сифатларини шакллантиришга, ўқув мазмунига аёллар ҳуқуқининг халқаро меъёр ва ҳуқуқий стандартлари, гендер тенгликка оид билимларни киритилишига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Жаҳонда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳа компонентларига бевосита таъсиридан келиб чиқиб, уларнинг жамиятдаги позициясини ўрганиш, таълим муассасаларидан бошлаб қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, интеллектини ривожлантириш, талаба-қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик-психологик механизмлари, хусусиятларига оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқот натижалари ҳар бир хотин-қизда маънавий иммунитетни ривожлантириш, салбий омилларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, коррекциялаш, умуммаданий компетенцияларни шакллантириш ва миллий кадриятларни тарғиб қилиш имконини оширмоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда фаоллигини ошириш, моддий-маънавий жиҳатдан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир кенг кўламли ислохотлар уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, репродуктив саломатликларини таъминлаш, қизларнинг иқтидори ва истеъдодини рағбатлантиришда ўз аксини топмоқда. Шу билан бирга узвийлик ва узлуксизлик тамойили асосида талаба-қизларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Олий ва ўрта махсус таълимни ислоҳ қилиш чора-тадбирларида “Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасида замонавий ва мустақил фикрлайдиган, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, билимли ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш, таълимда маънавий-ахлоқий мазмунни кучайтириш”<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланган. Бу эса, тарихийлик ва замонавийлик контекстида қизлар таълим-тарбиясининг ўзига хосликларини ўрганиш, талаба-қизларда маънавий-ахлоқий фазилатлар тизимини аниқлаштириш, ушбу фазилатларни ривожлантиришда оила, маҳалла, таълим муассасалари ва жамоатчилик ҳамкорлигига асосланган технологик ёндашувларни такомиллаштириш заруратини юзага келтиради.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сон Фармони. – Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.07.2019 й., 06/19/5763/3410-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-сон, 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармонлари, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қизлар тарбияси масаласи ҳамма даврларда ҳам муҳим муаммо сифатида ўрганиб келинган ва тадқиқ этилган. Энг қадимги манбалар – “Авесто”, Ўрхун-Энасой битикларида ҳам қизларни ҳар томонлама камол топтириш, одоб-ахлоқли этиб тарбиялаш муаммосига алоҳида эътибор қаратилган. Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Алишер Навоий, Жалолиддин Давоний, Демокрит, Суқрот, Афлотун, Арасту қабилар ўз асарлари ва таълимотларида қизлар тарбияси масаласини диққат марказидан четда қолдиришмаган. Педагогика тарихида отинийлар сифатида ном қолдирган Увайсий, Анбар Отин, Дилшоди Барноларнинг қизлар тарбиясига доир фаолиятлари ҳам диққатга сазовор.

Талаба-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер муаммосига доир тадқиқотлар Т.А.Эгамбердиева, Э.Ғозиев, Д.Шарипова, К.Қурбонбоев, Ю.Ахроров, Б.Ўразов, Х.Тожибоевалар томонидан тадқиқ этилган.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалаларига доир илмий изланишлар М.Махмудова, О.Мусурмонова, В.Каримова, А.Мунавваров, М.Қуроноф, Ғ.Шоумаров, Ш.Шоумаров, М.Иномова, М.Очилов, Н.Ортиқов, У.Маҳкамов, С.Нишонова, Ж.Ҳасанбоев, О.Ҳасанбоева, Д.Рўзиева, Н.Эгамбердиева, З.Исмоилова, Ш.Шодмонова, Ф.Хидирова, К.Ҳасанова, М.Турсунова, А.Абдуманнотов, Н.Кушвақтов,

М.Ахмедова, У.Утанов, Г.Избуллаева, Ш.Тайлаковалар томонидан амалга оширилган.

Талабалар маънавиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик, антропологик ва акмеологик масалалари бўйича Б.Адизов, Н.Азизхўжаева, М.Арипова, О.Жамолдинова, Р.Джураев, Г.Ибрагимова, М.Иномова, Ш.Мардонов, У.Толипов, Б.Ходжаев, А.Чориев, Ш.Шарипов, Н.Шодиев, Н.Сайидахмедов, К.Қиличева, Ш.Олимов, Ш.Тайлановалар илмий изланишлар олиб боришган.

Хорижий давлатлар олимлари томонидан жаҳон олий таълим тизимида талабаларни мустақил ўз-ўзини ривожлантиришга ва таълим олишга йўналтиришнинг педагогик-психологик механизмларини такомиллаштиришга, мутахассислик фанларнинг имкониятларини интеграциялаш асосида фанлараро модулли таълим технологияларини ва тарбия технологияларини ишлаб чиқишга бағишланган тадқиқотлар Crumbaugh J.C., Henrion R., Kluckhohn C., Shils E, Kohlberg L., Rokeach M., Schwartz S.H., Bilsky W. кабилар томонидан амалга оширилган.

Бироқ шуни таъкидлаш керакки, юқорида келтириб ўтилган илмий-тадқиқот ишларида қизлар тарбияси билан боғлиқ масалаларга ўзига хос тарзда айрим ёндашувлар баён этилган бўлса ҳам, бироқ талаба-қизларда маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантиришнинг назарий-амалий асослари яхлит педагогик муаммо сифатида тадқиқ этилмаган. Мазкур муаммонинг илмий ва амалий долзарблигини, шунингдек, тадқиқотчилар томонидан махсус тадқиқ этилмаганлигини инобатга олиб, “Талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш технологияси” мавзуси тадқиқот учун танланди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг “ОТ-Ф8-214 – Талабаларни касбий ва шахсий ижтимоийлаштириш (2017-2020й.)” мавзудаги лойиха доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тарихийлик ва замонавийлик контекстида қизлар таълим-тарбиясининг ўзига хосликларини ўрганиш ва қиёсий таҳлил этиш;

талаба-қизларда маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантиришга доир илғор хорижий иш тажрибаларини таҳлил этиш асосида миллий тажрибанинг аҳамиятини асослаш;

талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатлари тизимини аниқлаштириш асосида витаген тарбия технологиясини такомиллаштириш;

талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантиришда оила, маҳалла, таълим муассасалари ва жамоатчилик ҳамкорлигини таъминлашнинг яхлит андозасини яратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Самарқанд давлат университети, Навоий давлат педагогика институти, Жиззах давлат педагогика институтининг 300 нафар респондент-талабалар иштирок этди.

**Тадқиқотнинг предмети** талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш мазмуни, омиллари, шакл, метод ва воситалари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келувчи анализ, синтез, таснифлаштириш, тизимлаштириш, моделлаштириш, мавзуга оид илмий адабиётларни ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ўрганиш, муаммо бўйича педагогика олий таълим муассасаларида тўпланган илғор тажрибаларни ўрганиш, педагогик кузатиш, суҳбат, анкета, педагогик эксперимент, математик статистика методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

замонавий шароитда талаба-қизларда маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантиришнинг тарихий (ворисийлик, анъанавийлик, кадриятга йўналганлик) ва инновацион (ижтимоий фаоллик, гендерга оид, тадбиркорлик) жиҳатлари миллий педагогиканинг ижтимоий-педагогик асосларига устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

миллий маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантириш йўллари (фаолиятга ундаш, онгга таъсир, баҳолаш) ахлоқий қарашларга таъсир этувчи функцияларга (дахлдорлик, ҳамкечинмалик, кескинлик, бартараф қилиш, қарши туриш) устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш имкониятлари бадиий педагогика хусусиятлари (бадиий-маърифий, бадиий-ифодавийлик, образлар уйғунлиги, хулқ-атвор меъёрлари, амалий) доирасида аудиториядан ташқари машғулотлар (мустақил ўрганиш, дебат, телекўрсатув, тўгараклар) мазмунини очиб бериш асосида такомиллаштирилган;

миллий маънавий-ахлоқий фазилатларни шаклланганлик диагностикасини амалга ошириш жараёнлари ҳамкорлик, ижодкорлик, фаолликка қаратилган баҳолаш мезонларини (ҳурмат, интилиш, муносабат, барқарорлик, соғлом турмуш тарзи каби) киритиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш бўйича тренинг дастурлари ва таквим-мавзу режалари ишлаб чиқилган;

“Ораста қизлар” клубининг иш режасига “Талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш” номли чора-тадбирлар бўлими киритилган;



олий таълим муассасаларининг хотин-қизлар кўмитаси томонидан талаба-қизлар билан амалга ошириладиган маънавий-ахлоқий ишлар режасига мувофиқ тарбиявий тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган;

талаба-қизларни оилавий ҳаёт ва оналикка тайёрлашга доир услубий кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммога фалсафий, методологик, методик, психологик ва педагогик ёндашувларга ҳамда маънавиятни ривожлантиришга доир миллий тажриба, республикамиз ва чет эллик олимлар, шунингдек, гуруҳ ва микро гуруҳ мураббийларининг тарбиявий фаолиятни ташкил этишга доир асосланганлиги; тадқиқот вазибаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантиришнинг тарихий ва замонавий йўналишларини интеграциялаш асосида талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантиришга оид назарий ёндашувлар билан бойитилганлиги; маънавий-ахлоқий фазилатларнинг ривожланганлик даражасини белгиловчи мезонлар ва кўрсаткичлар ҳамда тадқиқот муаммосининг ижобий ечимини таъминловчи илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, қўлга киритилган натижалар олий таълим муассасаларида ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар, умумқасбий ва мутахассислик фанлари бўйича такомиллаштирилган Давлат таълим стандарлари, фан дастурларини ишлаб чиқишда тарбиявий фаолиятга доир компетенцияларни аниқлаштириш; маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнини самарали лойиҳалаш, олий таълим муассасаларида талаба-қизлар билан ишлаш механизмининг такомиллаштиришга хизмат қилади. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган методик таъминотдан педагогика соҳасига доир дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш технологиясини такомиллаштириш бўйича илмий натижалари асосида:

талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш босқичлари (когнитив, танлов, англаш, одатлантириш, мустаҳамлаш, тузатиш), тарихий ва инновацион ўзига хосликнинг концептуал асосларига (тасниф, мақсад, ғоя ва тамойиллар) доир таклифлардан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон қарори билан тасдиқланган “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 17 июндаги 02/07-571 сон маълумотномаси). Мазкур

концепцияни муваффақиятли амалга ошириш орқали маънавий тарбия тизимини янада ривожлантириш, ёш авлодда мустақил ва бахтли ҳаёт учун зарур ижтимоий малака ҳамда фазилатларни ёшига мос, босқичма-босқич шакллантириш имконияти яратилади;

маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантириш йўллари (фаолиятга ундаш, онгга таъсир, баҳолаш), ахлоқий қарашларга таъсир этувчи функциялар (дахлдорлик, ҳамкечинмалик, кескинлик, бартараф қилиш, қарши туриш), бадий педагогика хусусиятлари доирасида аудиториядан ташқари машғулотлар (мустақил ўрганиш, дебат, телекўрсатув, тўгараклар) мазмунига доир таклиф ва тавсиялардан ИТД-4-122 рақамли “Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тарбия технологиясини ишлаб чиқиш” (2009-2011 йй.) лойиҳасини амалга оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 июлдаги 89-03-2454-сон маълумотномаси). Мазкур лойиҳа юксак маънавиятли шахсни шакллантиришнинг умумпедагогик технологиясини қўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожланганлик диагностикасини амалга ошириш жараёнлари, ҳамкорлик, ижодкорлик, фаолликка қаратилган баҳолаш мезонларига (ҳурмат, интилиш, муносабат, барқарорлик, соғлом турмуш тарзи каби) доир таклифлардан ОТ-Ф1-36 рақамли “Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш” (2017-2020 йй.) лойиҳасини ишлаб чиқиш ва жорий этишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 июлдаги 89-03-2454-сон маълумотномаси). Ушбу лойиҳа талаба-қизларда маънавий тарбия даражаси, миллий ва умуминсоний маданият, қадриятларга содиқлик кўрсаткичлари мониторингини юритиш, зарур чораларни белгилаб бориш имконини яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация иши натижалари 8 та республика ва 2 та халқаро анжуманларда муҳокама этилган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация иши кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий аҳамияти,

натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантиришнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш ижтимоий зарурият эканлиги, талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантиришнинг тарихий асослари ҳамда бадий педагогика воситасида талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантириш масалалари баён этилган.

Республикамизда хотин-қизлар эркин фуқаролик жамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида бугун давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларида эркалар билан теппа-тенг меҳнат қилиб, ўзларининг фазилатлари ва иқтидорларини ҳар соҳада намоён этмоқдалар. Мустақиллик йилларида республика хотин-қизларининг ижтимоий фаоллигини ошириш ва мавқеларини мустаҳкамлашга қаратилган қатор диққатга сазовор ишлар амалга оширилди.

Педагогика олий таълим муассасалари педагог-кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртлири ҳисобланиб, реал амалиёт ҳозирги вақтда мазкур таълим муассасасаларида таҳсил олувчи талабаларнинг кўпчилигини қизлар ташкил этишини кўрсатиб турибди. Бунинг асосий сабабларидан бири ўқитувчилик касбининг қизлар учун қулай мутахассислик сифатида эътироф этилиши бўлса, иккинчи яна бир муҳим жиҳат қизларнинг кейинчалик оилада ҳам тарбиявий ишни муваффақиятли амалга ошириш имкониятини беришидир. Педагогика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талаба-қизлар ўқиш даврида ҳам касбга доир билимларни эгаллаш билан бирга, оилавий ҳаётга ҳам тайёргарлик кўра бошлашади. Мазкур омиллар талаба-қизларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантириш масаласини шарт қилиб кўяди.

Миллий маънавиятимиз дурдоналарида қизларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Энг қадимги ёзма манбалардаёқ, мазкур масала жамиятнинг устувор йўналиши сифатида эътироф этилган. Жумладан, зардуштийлик динининг муқаддас китоби – “Авесто”, ва Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билиг” асарларида хотин-қизлар “поклик ва ростлик нури”, “чароғон, ёруғлик”, “муқаддас ва хайрихоҳ” каби номлар билан улуғланган.

Халқ педагогикаси манбаларида ҳам қизларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, халқ оғзаки ижодининг кўшиқ ва мақол каби жанрларида қизларни саломлашиш одобига ўргатиш, ота-онага иснод келтирмаслик, оналикка тайёрлаш масалалари кенг ёритилган.

Муқаддас диний китобларда қизларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш билан бирга, уларни ўз жуфти ҳалолига вафодор, итоаткор, сабр-қаноатли, тежамкорликка даъват этилган. Айниқса, қизларнинг диёнат, ифбат каби сифатларни ўзларида таркиб топтиришлари, беҳуда рашк қилишдан

сақланишларига доир ўғитларнинг аҳамияти ғоят каттадир.

Мутафаккирлар эса, қизларнинг жисмоний саломатлиги, билимли бўлиши, кўнгли тоза, хушхулқ бўлиши каби фазилатларига эътибор қаратишган. Улар қизларнинг ҳар томонлама уйғун ривожланишлари, ички гўзаллиги, маънавий етуклиги, наслини давом эттирувчилар сифатида соғлом турмуш маданиятини эгаллашлари ҳақида ўз асарларида аксиологик ғояларни баён этишган.

Замонавий шароитда қизлар тарбияси билан боғлиқликда юзага келган муаммолар ва уларнинг ечимига доир фикрлар айниқса, бадий-маърифий асарларнинг асосий мавзу доирасига айланган. Ўткир Ҳошимов, Тоҳир Малик, Турсуной Содикова, Марҳабо Каримовалар томонидан яратилган бадиалар, қиссалар, қатралар, суҳбатлар мажмуида ҳозирги вақтда қизлар тарбияси билан боғлиқликда юзага келаётган муаммолар, мазкур муаммоларнинг аниқ ечимга эга натижаси сифатида миллий анъана ва урф-одатлар, қадриятларни тарғиб қилишга алоҳида урғу берилмоқда. Улар айниқса, глобаллашув ва “оммавий маданият” таъсирида юзага келаётган миллий тарбияга зид меъёр ва ҳаракатлардан ўсиб келаётган авлодни ҳимоялаш вазифасини бадий образларда, таъсирчан, тушунарли тарзда кенг жамоатчиликка етказиб беришга ҳаракат қилганлар. Бадий-маърифий асарлар таҳлили замонавий шароитда педагогика олий таълим муассасаларида бадий педагогикани махсус курс сифатида ўқитиш ғоясини илгари суришга имкон беради.

Диссертациянинг **“Талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантиришнинг амалий-технологик жиҳатлари”** номли иккинчи бобида талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш технологияси ва талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантиришда оила, маҳалла ва таълим муассасаси ҳамкорлиги модели ҳамда талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантиришга доир хорижий тажриба таҳлили ёритиб берилган.

Тарбияга технологик ёндашув – тарбия натижаларига асосланиб, тарбиянинг мақсад ва вазифаларини ойдинлаштириш, тарбия жараёнининг ҳар бир босқичини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, тарбиянинг шакл, метод ва воситаларини аниқ белгилаб олишга қаратилган тизимли жараён.

Технологик ёндашув имконияти тарбия жараёнининг ўзида унинг кўп омиллилиги – кўплаб омиллар таъсирига учраши, натижаларнинг тезда намоён бўлмаслиги, тарбиячи фаолиятининг (бевосита ёки билвосита) йўналтирилганлиги, кўп босқиччилик билан боғлиқ равишда мужассамдир. Кўп босқиччилик тарбияланувчининг у ёки бу сифат ҳақида тасаввур даражасидан тушунчага ва кейинроқ ўзлаштирилганларига мувофиқ ҳаракат қилиш кўникмасини шакллантириш ҳамда тўғри хулқ-атвор одатларини шакллантиришга ўтиш билан тавсифланади. Шунга асосан В.С.Селиванов тарбия жараёни, унинг босқичлари кетма-кетлиги мураккаб ўзига хосликка эга эканлиги ҳақидаги хулосага келади. Тарбия, шахс сифатларини шакллантириш эмоционал йўналганлик, хулқнинг маълум шаклига ижодий

муносабат уйғотишдан бошланади. Иккинчи босқич ҳаракатни тўғри бажариш малакасини, яъни тўғри хатти-ҳаракат қилишни машқ қилиш саналади. Кейинчалик ҳаракатни унга ижобий муносабат билан кўп марта бажариш давомида оқилона хулқ-атворга одатлантирилади. Тушунчани ўзлаштириш (шакллантириш) – тарбия жараёнининг кейинги босқичи. Ўзлаштирилган тушунчалар асосида ижтимоий хулқ тажрибаси ташкил қилинади.

Маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантириш жараёнининг педагогик мақсадлари унинг ижтимоий мақсадлари, ижтимоий моҳияти ва ижтимоий функцияларидан келиб чиқади. Улар, биринчидан, талаба-қизларнинг ахлоқий кўринишлар ва тегишли фаолият усулларини амалий татбиқ этиш кўникма ва малакаларини эгаллашини таъминлаш; иккинчидан, шу асосда ўрганилаётган сифатнинг юқори даражасини шакллантиришдан иборат. Бу мақсадларга қуйидаги педагогик шартлар бажарилганидагина эришиш мумкин: талаба-қизларни зарур сифатнинг йўналтирилган ривожланишига олиб келадиган ахлоқий мазмун билан бойитилган реал ҳаётий вазиятларга киритиш; талаба-қизларни ривожлантиришга қаратилган ўз-ўзини ахлоқий такомиллаштириш вазифаларини онгли равишда ўз олдига қўйишлари; педагогик таъсир илгарилаб бориш тавсифига эга бўлиши, ўзида янги, бироқ ҳозиргача шахсий тажрибада синовдан ўтганларни акс эттириши керак. Маънавий-ахлоқий тарбия таърифи, унинг психологик асослари ва мезонларига асосланиб лойиҳаланган маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантириш технологияси беш босқичда амалга оширилди (1-жадвалга қаранг).

Талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш технологияси беш босқичдан иборат ўзаро мустаҳкам боғланган алгоритмлар кўринишида лойиҳаланди: 1) танишув, билиш; 2) баҳолаш, рефлексия, танлов; 3) интериоризация (ички қабул қилиш); 4) қадриятни фаолиятда қайта яратиш, долзарблаш; 5) мустаҳкамлаш. Мазкур босқичларни амалга ошириш қадриятли хулқ-атвор намунасини тақдим этишдан такрорланадиган вазиятлар ёрдамида фаолиятни мустаҳкамлашга бўлган қадамлар кетма-кетлиги тарзида намоён бўлади.

Таълим-тарбия жараёнлари ижтимоий институтлар, аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳозирда фуқаролик жамияти институтлари таркибини ташкил этувчи бирламчи бўғин – оила – маҳалла – таълим узвийлигини ташкил этади. Ушбу ижтимоий институтлар ҳамкорлигининг самарадорлигига эришиш масаласи ҳар биримизнинг олдимизда турган долзарб вазифа ҳисобланади.

Олиб борилган кузатиш ва тадқиқот ҳозирги вақтда оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлигида ҳал этилиши лозим бўлган қуйидаги долзарб муаммоларни кун тартибига қўймоқда: талаба-қизларда ғоявий иммунитетни янада ошириш, уларни “оммавий маданият”нинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилиш; талаба-қизларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш; талаба-қизларда оилавий ҳаётга нисбатан қадриятли муносабатни қарор топтириш; талаба-қизларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантириш; талаба-қизларни касб-хунарга йўналтиришга доир чора-тадбирлар тизимини ривожлантириш; талаба-қизларнинг

**Талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларини  
ривожлантириш технологияси**

<b>Босқичлари</b>	<b>Мазмуни</b>	<b>Шакл, метод ва воситалари</b>
<b>Когнитив</b>	Талаба-қизларга маънавий-ахлоқий фазилатларни ва уларга хос сифатларни тақдим этиш ва намойиш қилиш, тушунтириш	Индивидуал, гуруҳли, оммавий, мунозаралар, дебатлар, тренинглар, муаммоли тавсифдаги суҳбат, эркин ёзиш, беш минутлик эссе, ақлий хужум
<b>Баҳолаш, рефлексия, танлов</b>	Тақдим этилган фазилат билан ўзаро таъсирга киришиш – муносабат, баҳолаш; ўз тажрибасига, ўзининг фазилатлар тизимига киритиш ёки инкор этиш. Шу фазилатга нисбатан ижобий эмоционал муносабатни таъминлаш	Индивидуал, гуруҳли, оммавий, фикрлар хужуми, фикрлар шкаласи, ўз-ўзини баҳолаш, бадий-маърифий асарлар, мультимедиа воситалари
<b>Англаш ва ўз-ўзини англаш</b>	Маънавий-ахлоқий фазилатларнинг талаба-қизлар учун аҳамиятини аниқлаштириш. Фазилатни ўзлаштириш ва ҳаракатлар учун одат сифатида қабул қилиш	Индивидуал, ўз-ўзини таҳлил этиш, ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини назорат қилиш, ахлоқий мавзудаги ролли ва баҳолашга доир вазиятлар
<b>Фазилатни одатга айлантириш</b>	Маънавий-ахлоқий фазилатларга муносабат, хулқ-атвори фаолият ва мулоқотнинг реал ҳаётий шароитларига киритиш. Маънавий-ахлоқий фазилатларни машқ қилиш йўли билан мустаҳкамлаш	Индивидуал, гуруҳли, оммавий, экскурсиялар, мусобақалар, конкурслар, танловлар, рағбатлантириш, лойиҳа, ўйинли вазият, ижтимоий лойиҳа
<b>Мустаҳкамлаш ва тузатишлар киритиш</b>	Маънавий-ахлоқий фазилатларни такрорланадиган вазиятлар (машқлар) ёрдамида фаолиятни мустаҳкамлаш ва коррекциялаш	Индивидуал, машқ, намойиш этиш, мушоҳадали тажриба, педагогик вазиятлар, тушунтириш, ўргатиш, намуна кўрсатиш, репродуктив образли суҳбат, тугалланмаган гаплар методикаси

ижтимоий фаоллигини ошириш, ижтимоий ҳаётга муваффақиятли тайёрлаш; талаба-қизларда толерант хулқ-атвор кўникмаларини, яхлитликда толерантлик маданиятини шакллантириш; талаба-қизларда танқидий тафаккурни ривожлантириш орқали “ахборот маданияти”ни таркиб топтириш; талаба-қизларни Интернет ва компьютер ўйинларига тобеликдан ҳимоялаш.

Мазкур муаммоларни ҳал этишга доир оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорлиги куйидаги моделга асосланган ҳолда амалга оширилиши лозим (1-расмга қаранг).

Тадқиқотимиз доирасида талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантиришга доир хорижий тажриба таҳлили келтирилган.

Хорижий тажриба таҳлилида қизларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантиришни ўрганиш лозим бўлган илғор ғоялар билан бирга, замонавий шароитда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам таҳлил этилди.

Диссертациянинг учинчи боби “Талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш самарадорлиги” деб номланиб, унда талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантиришга доир тажриба-синов ишлари мазмуни, талаба-қизларнинг

маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантиришга доир амалий фаолият самарадорлиги ёритилган.

Талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш амалиёти учун тавсия қилинган методиканинг самарадорлигини баҳолаш муайян мезонлар асосида амалга оширилади. Тадқиқотни олиб бориш даврида бевосита талаба-қизларда маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантиришни белгиловчи мезонлар ишлаб чиқилди.

Асословчи ва таъкидловчи тажриба жараёнида юқорида келтирилган мезонлар асосида талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантиришини ифодаловчи куйидаги сифатларга эгаликлари ўрганилди:


1) миллий маънавий-ахлоқий кадриятлар тўғрисидаги билимлардан хабардорлик, уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, миллий маънавий-ахлоқий кадриятлар талаблари асосида фаолият юритиш, миллий маънавий-ахлоқий кадриятларни асраб-авайлаш, уларга нисбатан содиқлик;

2) билимлилик, ахлоқлилик, одоб, ватанпарварлик, инсонпарварлик, толерантлик, сабр-тоқатлилик, камтарлик, меҳнатсеварлик, ижтимоий-ғоявий, ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий, эстетик, экологик, иқтисодий ва гигиеник тушунчаларнинг етарли даражада ўзлаштириш, ўзгаларни ҳурмат қилиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини камситмаслик, мурувватли, раҳмдил, табиат ва атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, гўзалликни ҳис қилиш ва севиш, мафкуравий иммунитет ва эътиқоднинг шаклланганлиги;

3) таълим муассасаси ҳамда унинг жамоасига нисбатан меҳр-муҳаббатли бўлиш, уларни ёқтириш, ҳурмат қилиш, улар учун ўзаро ёрдамга тайёр туриш, тенгдошларига нисбатан эмпатик муносабатда (уларнинг қайғу ва қувончларига шерик) бўлиш, таълим муассасаси ва унинг жамоаси шаъни, обрў-эътибори учун кураша олиш;

4) табиат инсоният учун яшаш маскани ва тириклик манбаи эканлигини англаш, унинг бойликларини асраб-авайлаш, кўпайтириш тўғрисида қайғуриш, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олишда жонбозлик кўрсатиш, экологик хавфни бартараф этишга ҳисса қўша олиш;

5) жинс сифатида ҳамда жисмоний жиҳатдан тўғри шаклланганлик, гигиеник қоидаларга сўзсиз риоя қилиш, жисмонан етук бўлиш, салбий одатлар (спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари ва гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш, бетартиб жинсий ҳаётни йўлга қўймаслик), ахлоқий бузукликка нисбатан мурасасиз бўлиш, бузғунчи, ёт ғояларга нисбатан иммунитетга эгалик, носоғлом турмуш тарзига қарши олиб борилаётган курашда фаол иштирок этиш;



**1-расм. Талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш модели.**



б) маълум касб ёки ҳунарга нисбатан қизиқиш, эҳтиёж, назарий ҳамда амалий билимларга эгалик, танланган касб ёки ҳунар йўналиши бўйича етукликка интилиш, маҳоратли бўлиш, ижтимоий-фойдали меҳнатга ижобий муносабатда бўлиш, ишлаб чиқариш фаолиятига ижодий ёндашиш, ўз устида ишлаш;

7) оилавий ҳаёт ҳақида билимларга эгалик, оиланинг муқаддаслигини англаш, оилага нисбатан ҳурмат ҳиссига эгалик, оила хўжалигини юритишга оид дастлабки кўникмаларни ўзлаштирганлик, оила бюджетини шакллантириш тўғрисида ғамхўрлик қилишга ўрганиш, фарзандлар ва уларнинг тарбияси учун масъулиятли бўлиш руҳида улғайганлик, оилада маънавий-ахлоқий ҳамда руҳий жиҳатдан соғлом муҳитни яратишга бўлган масъулиятни ҳис қилиш руҳида камол топганлик.

Тарбия жараёнида талаба қизлар томонидан маънавий-ахлоқий сифатлар, муайян кўникма ҳамда малакаларнинг бирдек ўзлаштирилишига эришиб бўлмайди. Шу сабабли юқорида келтирилган мезонлар асосида талаба қизларда маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантиришни ифодаловчи даража кўрсаткичлари аниқланди.

Ижтимоий-педагогик тажриба-синов ишлари маҳаллада ота-оналарнинг талаба-қизларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига доир билим ва кўникмаларини оширишга қаратилди. Тажриба–синов натижалари белгиланган мезонларга кўра қуйидаги ўзгаришларни қайд қилиш имконини берди.

## 2-жадвал

### Ота-оналарнинг талаба-қизларнинг маънавий-ахлоқий тарбияга доир билим ва кўникмаларидаги ўзгаришлар

№	Маънавий-ахлоқий тарбияга доир билимлар мазмунини аниқлаш мезонлари	Юқори		Ўрта		Қуйи	
		Таж. ав.	Таж. сўнг.	Таж. ав.	Таж. сўнг.	Таж. ав.	Таж. сўнг.
		Сон ҳисобида					
1.	Маънавий-ахлоқий тарбия мазмун-моҳиятини билиш	6	9	10	17	19	9
2.	Диний ақидапарастлик, эгоцентризм, миссионерликнинг моҳиятини, асл мақсадларини билиш	10	18	12	15	13	2
3.	Маънавий-ахлоқий тарбия назарияси ва методикаси бўйича билимларнинг мавжудлиги	9	19	11	14	15	2
4.	Миллий тарбия методларини билиш	10	17	10	15	15	3
5.	Маънавий-ахлоқий фазилатлар ҳақида маълумотга эга бўлиш	12	15	16	20	7	-
6.	Виртуал назоратни амалга ошириш кўникмасига эгалик	5	15	12	15	18	5
7.	Маънавий тарбияга доир бадиий асарлардан хабардорлик	10	18	12	15	13	2

Педагогик тажриба-синов натижаларини таҳлил этишда ота-оналарнинг маънавий-ахлоқий тарбияга доир билимларни ўзлаштиришлари юзасидан олинган якуний натижаларга асосланган ҳолда математик статистика методи қўлланилди. Бунда тажриба-синов ишларидан олдин 35 та ва тажрибадан кейин 35 та ота-оналар билан ўтказилган суҳбатларга таяниб таҳлил қилинди. Юқоридаги жадвал кўрсаткичлари асосида тажрибадан аввал ва кейинги кўрсаткичлар умумлаштирилди.

Талаба-қизларнинг миллий маънавий-ахлоқий муносабатларини янада, ёрқин тарзда акс эттириш мақсадида талаба-қизларнинг ахлоқий тарбияланганлиги бошланғич ҳолатини уларга асосланган ҳолда ахлоқий тарбияланганлик ва ижтимоийлашувнинг уч даража (юқори, ўрта, қуйи) мезонлари шакллантирилди.

Маънавий-ахлоқий тарбияланганликнинг **юқори даражаси** коммуникатив-вербал ва коммуникатив-ижтимоий йўналганлик, жамиятда ўзини тутишнинг умуминсоний, миллий меъёр ва қоидаларини билиш, бу қоидаларга риоя қилиш, интизомлилик, орасталиликда намоён бўлади. Бу тоифа талаба-қизларда турли вазиятларда ахлоқий танлов учун мўлжални олиш вазифасини ўтайдиган ахлоқий установакаларнинг нисбий барқарорлиги кўзга ташланди. Улар бошқалар билан хайрихоҳлик, ҳурмат ва ишонч асосида ижобий муносабатларни қарор топтиришга қодирдир. Шунингдек, уларда ўз маънавий ривожланиши, ўзининг ва бошқа халқларнинг анъана ҳамда одатларига қизиқиш ҳосдир.

